O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 9-SENTABR ■ PAYSHANBA ■ 111 (27.286) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Миллий байрамининг нишонланиши менга Жазоир халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга қизғин табрикларимни ва дўст ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимни изҳор қилиш учун қулай имконият бахш этмоқда.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар давлатларимизнинг ўзига хос имкониятларининг катталигидан келиб чиқиб ва халқларимизни боғлаб турган биродарликни ҳисобга олиб, янада ривож топишига қатъий ишонишимни айтмоқчиман.

Президент Жаноблари, Сизни яна бир бор байрам билан қизғин табриклаб, Сизга бўлган юксак ва биродарларча эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

**Абдулазиз БУТЕФЛИКА,**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига Баҳрайн халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу истаклар йўллашдан ғоят бахтиёрман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, мамлакатингиз халқига тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

**Юксак эҳтиром ила,**
**Ҳамад бин Исо Ал-ХАЛИФА,**
**Баҳрайн Подшоҳи**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Миллий байрамингиз муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқига самимий қутловларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муноабатлар ва ҳамкорлик олға томон сезиларли даражада ривожланганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, ушбу муносабатлар бундан буён ҳам узоқ йиллар давомида икки мамлакат манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамланиб бораверади, деб ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга эса равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Но Му-ХЁН,**
**Корея Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ярославлликлар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини катта қизиқиш билан қабул қилмоқдалар, Ярославль вилоятининг Ўзбекистон минтақалари билан ҳамкорлик анъаналарини қадрламоқдалар.

Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва равнақ тилайман.

**Анатолий ЛИСИЦИН,**
**Ярославль вилояти губернатори**

Universiada-2004 Samarqand

## УЧРАШДИЛАР, БЕЛЛАШДИЛАР, ДЎСТЛАШДИЛАР

**7 сентябрь куни қадимий ва навқирон Самарқандда республика олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2004» спорт мусобақалари якунланди**







Шундай қилиб, Ўзбекистон талаба-ёшларини Самарқандда учраштирган, дўстлаштирган ва жисмоний баркамолликларини кўрикдан ўтказган «Универсиада — 2004» мусобақалари ниҳоясига етди. Тўрт кун давомида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган ўн олти жамоа спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Беллашувлар нафақат Самарқанд шаҳрида, балки вилоятнинг Жомбой, Тайлоқ каби туманларидаги спорт иншоотларида ҳам уюштирилди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга 230 та олтин, 230 та кумуш ва 251 та бронза медали топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов совғаси — «Дамас» автомашинаси, «Универсиада — 2004» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси, олтин медаль ҳамда биринчи даражали диплом Тошкент-1 жамоасига тақдим этилди. Мукофотларни Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродовлар топширди.

Универсиада баҳслари якунида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган Самарқанд вилояти терма жамоасиға Президент совғаси — «Дамас» автомобили, кумуш медаль ва иккинчи даражали диплом берилди.

«Универсиада — 2000» мусобақалари мезбонлари — Наманган вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, универсиада баҳсларида турли номинациялар бўйича иқтидорли талабаспортчилар ҳам қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлишди. Жумладан, мусобақалар якунида футбол бўйича Наманган вилояти терма жамоаси ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев «Энг моҳир футболчи», Наманган қизлар терма жамоаси «Энг аҳил жамоа», сузиш бўйича Тошкент-1 жамоаси вакили Андрей Маркович «Энг юксак натижалари учун», теннис бўйича Тошкент-3 жамоаси аъзоси Муаттар Абдухолиқова «Теннис маликаси» номинацияларининг ғолиблари, деб топилдилар.

Навбатдаги универсиада эстафетасини Тошкент шаҳри талабалари қабул қилиб олди.

«Универсиада — 2004» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

4-бет



**ЎзХДП хабари**

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП IV ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари ниҳоясига етди. Эндиликда, Марказий Кенгашда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги IV қурултойи ва мамлакатимизда 2004 йилнинг декабрида бўлажак ялпи сайловларга тайёргарлик ишлари фаол олиб борилмоқда. 7 сентябрь куни Марказий Кенгашнинг Ташкилий-услубий масалалар бўйича комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия қурултойига тайёргарлик ва бўлажак анжуман ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг боришини кўриб чиқилди. Комиссия йиғилишида ҳисобот-сайлов кампанияси давомида билдирилган танқидий фикрлар, таклифларни умумлаштириш ва уларни амалга оширишга оид тадбирлар режасини тузиш, қурултойда қабул қилинадиган асосий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашга эътиборни қаратиш лозимлиги таъкидланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ГЕРМАНИЯДА — «ДЎСТЛИК» ЖАМИЯТИ

Ҳозирда ГФРда тўрт мингга яқин фуқароларимиз иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллик куни байрами арафасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германияда доимий истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда улар мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар билан яқиндан танишдилар.

Учрашувда юртдошларимиз икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, республикамизга сармоя ва янги технологиялар оқимини жалб этиш, бугунги Ўзбекистон ҳаёти билан ГФР жамоатчилигини кенгроқ таништириш мақсадида Германияда ватандошлар — «Дўстлик» жамиятини тузиш ғоясини илгари сурдилар.

— Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни байрами билан табриклайман, — деди «Алекс» сайёҳлик компаниясининг раҳбари Алексей Чернявский. — Ўзбекистондаги шерикларимиз билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, у муваффақият билан ривожланмоқда. Германияда республикамизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ватандошлар — «Дўстлик» жамиятини таъсис этилиши, икки мамлакат маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашувида жуда муҳим деб ўйлайман.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА**
Берлин.

## КАМ ЧИҚИМЛИ ТЎЙЛАР

Навоий шаҳрида «Тўй-ҳашамлар маркази» иш бошлади. Уни ташкил этишдан мақсад тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш ва камхарж ўтказишни таъминлашдан иборат. Марказ аҳолига нисбатан арзон нархларда олти турдаги кафолатланган маданий-маиший хизмат кўрсатди. Жумладан, тўй эгаларига санъаткор, сураткаш, оператор ва зарур жиҳозларни етказиб беради.

Янги марказда юздан ортиқ янги иш жойи очилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**

**Тадбир**

## ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА



Шу кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг ўн уч йиллиги тадбирлари мамлакатимизнинг турли гўшаларида нишонланмоқда. Ана шундай шодиёналардан бири пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида бўлиб ўтди. Ушбу тадбир шуниси билан аҳамиятлики, унда чет эл ваколатхоналаридан меҳмонлар, Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари ҳамда турли миллат ва элат вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда қисқа вақт ичида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эгалиги хусусида гапирдилар.

— Маҳалламизда 42 миллатга мансуб ўн бир мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг барчаси бир оила фарзандлари каби тинч-тотув, аҳил, фаровон ҳаёт кечиришмоқда, — дейди маҳалла раиси, тарих фанлари номзоди, доцент Озод Ризаев. — Маҳалладошларимизнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмайди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, қаровчисини йўқотган оилалар, II жаҳон уруши қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилиб, байрам ва сайлларда совға-саломлар улашиб келинмоқда. Маҳалламиз «Ўзбекистон — Грузия», «Ўзбекистон — Белорусия», «Ўзбекистон — Латвия» дўстлик жамиятларининг аъзоси. Бундан ташқари, биз Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳам доимий алоқада бўлиб турамиз.

Тадбирда украин, рус, корейс маданият марказлари бадиий дасталари томонидан янграган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Анжуманда грузин, рус, украин, корейс маданият маркази раҳбарлари ва туман ҳокими Қовилжон Накибов иштирок этди.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

**Суратда:** маҳалла оқсоқоли Озод Ризаев.

**Жеймс Корнелл:**

## АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро миқёсда салоҳиятли давлат ва жаҳон ҳамжамиятининг ишончли ҳамкори сифатида эътибор қозонди. Мамлакатимиз билан дунёнинг ривожланган давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари муҳим ўрин тутади. Америка — Ўзбекистон Савдо палатаси президенти Жеймс Корнелл «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бу борада қуйидаги фикрларни билдирди:**

«Айтиш мумкинки, Америка билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар айни вақтда ҳар қачонгидан ҳам юқори даражададир. Барчага яхши маълум, бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик Декларацияси имзоланган эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар икки томон учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини шу биргина омилнинг ўзидан ҳам англаш мумкин. Стратегик ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳам, Америка учун ҳам қатор ижобий омиллар яратмоқда.

Шу ўринда Америка — Ўзбекистон Савдо палатаси фаолияти ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсам. Америка ва Ўзбекистон ишбилармонларини бир доирага жамлаган мазкур палата 1992 йилда ташкил этилган. У мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, балки сиёсий ҳамда маданий мулоқотларни ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Айни вақтда мазкур палата юздан ортиқ Америка ва Ўзбекистон компаниялари ҳамда фирмаларини ўз ичига қамраб олади. Улар орасида «Боинг», «Ньюмонт-майнинг», «Кейс Нью Холланд», «Донавант интерпрайзис», «Катерпиллар» каби йирик компания ва корпорациялар бор.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда савдо палатасининг йиллик анжуманларида иштирок этаётган ўзбек ишбилармонларининг сони тобора ортиб бораяпти. Бундай тенденция икки мамлакат ишбилармонларининг ўзаро алоқалари кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Шу йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган анжуманда ўзбекистонлик ва америкалик ишбилармонлар бугунги кун учун жуда долзарб бўлган масала — Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш масаласида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини муҳокама этишди ҳамда муайян келишувларга эришишди. Ўйлайманки, мазкур йўналиш икки мамлакат тадбиркорларининг ўзаро мулоқотларини янада рағбатлантиради.

Кези келганда бир фикрни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари кенг. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қараймиз».

**«Жаҳон» АА**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## ПЕНСИОНЕРЛАР ПЕНСИЯНИ ВАҚТИДА ОЛИШЯПТИ

**Газетамизнинг шу йил 12 август сонида чоп этилган «Пенсионер пенсиясини нега вақтида ололмаяпти?» сарлавҳали мақолада Жиззах туманида пенсия тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаётгани танқид қилинган эди.**

**Ушбу мақола юзасидан республика акциядорлик-тижорат «Пахта банк»дан жавоб хати олинди.**

«...Мақола «Пахта банк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари ва туман филиаллари бошқарувчилари иштирокида вилоят бошқармасининг жорий йил 13 августда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилиб чиқилди.

Кўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида 2004 йилнинг 25 августига келиб жорий йилнинг май, июнь ва июль ойлари пенсия тўловларидан бўлган қарздорликлар нақд пул билан тўлиқ таъминланди ва ҳозирги кунда август ойи пенсия тўловлари амалга оширилмоқда.

Пул муомаласига доир ишларни яхши ташкил қилмаганлиги ҳамда биринчи даражали тўловларнинг ўз вақтида тўланишини назоратга олмаганлиги учун банкнинг Учтепа филиали бошқарувчиси ўринбосари «Пахта банк» Жиззах вилоят бошқармасининг 2004 йил 13 августдаги 136-сонли буйруғига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

АТ «Пахта банк» Бошқаруви томонидан банкнинг Жиззах вилоят Учтепа филиали раҳбарига ҳисоб рақамларида маблағлари мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи, бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнат ҳақлари, пенсия ва нафақа тўловларини ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш чораларини кўриш ҳамда унинг назорати «Пахта банк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси раҳбарияти зиммасига юклатилди.

**Бошқарув раиси ўринбосари Ў.Ў.ШУКУРОВ»**

## ҚИШЛОҚДА СПОРТ МАЖМУИ

**Андижон (ЎзА мухбири С.Шукуров).** Андижон вилояти Избоскан тумани Чўнгбоғиш қишлоғида ажойиб спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. У маҳаллий тадбиркорлар ака-ука Мамажоновлар маблағлари эвазига қурилди.

Юнон-рум кураши бўйича спорт устаси Мирзаали Мамажоновни вилоят спорт жамоатчилиги яхши билади. У — юнон-рум кураши бўйича вилоят федерациясининг президенти.

Ишга туширилган объектда катта манеж, иккита атлетика зали, минифутбол учун стадион бор, шунингдек кийиниш, ювиниш хоналари ва бошқа қулайликлар ҳам яратилган.

Спорт мажмуининг очилиш маросимида Андижон вилояти ҳокими С.Бегалиев қатнашди.

## ЁШЛАРГА ТУҲФА

**Бухоро (ЎзА мухбири Илҳом Сафар).** Бухоро туманидаги Лоша қишлоғида барча шароитга эга «Наврўз» спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Ёшлар унда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис каби ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланишга киришди.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Биз билган ва билмаган тарих

# ОҒИР СИНОВЛАР ДАВРИ




### ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ – МУСТАҚИЛЛИК

1991 йилнинг ўрталарига келиб, собиқ СССРдаги иқтисодий ва сиёсий вазият ҳаддан ташқари оғирлашади. Одамлар ўртасида ҳаттоки биз жарга қуладикми ёки қулаяпмизми, деган тортишувлар пайдо бўлган эди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1991 йил 12 июнь куни сўзлаган нутқида ўша пайтдаги оғир аҳволни қуйидагича изоҳлаган:

**«Бугунги аҳвол ҳаммангизга аён. Аҳолини зарур моллар билан таъминлаш кундан-кунга оғирлашиб боряпти. Нарх-наво ортгандан ортиб, магазин пештахталари бўм-бўшлигича қолмоқда. Миллатлараро муносабатларни кескинлашуви оқибатида жанжаллар келиб чиқмоқда. Хўжалик алоқалари бузилган, жамоат тартиби издан чиққан. Бунинг натижасида оила ва шахс хавфсизлигига путур етяпти».**

**«Ўша йиллар ҳақиқатан ҳам даҳшатли давр эди. Жумладан, баъзи қора кучлар армияда ўлган аскарнинг тобутини кўтариб, кўчаларда айлантириб, митинглар уюштириб, шу вазиятдан фойдаланиш учун барча имкониятларни қўллади. Давлат сиёсатини, халқимизнинг урф-одатларини яхши билмаган кимсалар раҳнамолик қилиб, ҳали у ёқда, бу ёқда митинглар уюштирилди. Биз маҳалла оқсоқоллари шундай қийналдикки, ҳатто маҳаллалардаям митинглар бўлди**. (Эгамназар Қодиров, маҳалла оқсоқоли).

Мана шундай оғир бир вазиятда собиқ марказда том маънодаги давлат тўнтарилиши содир этилган. Кун сайин ўз мавқеини йўқотиб бораётган аламзада коммунистлардан тузилган Давлат фавқулодда ҳолат комитети, яъни ГКЧП раҳбарлари, иттифоқ Президенти Михаил Горбачёвнинг гўёки саломатлиги ёмонлашганлигини баҳона қилиб, дам олаётган жойида уй қамоғига маҳкум этишган ва ҳокимиятни зўравонлик билан ўз қўлларига олишга ҳаракат қилишган.

Давлат фавқулодда ҳолат комитети, яъни ГКЧП шошилинч равишда ўз тартибини жорий қилишга ҳаракат қилган. Мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий вазият кескин тус олиб, бутун дунёни таҳликага солган. Одамларнинг озодлик, демократия ҳақидаги орзулари узра яна қора булут пайдо бўлган. Ўша пайтда халқнинг норозилигини ифода этиши мумкин бўлган намойишларни олдини олиш мақсадида империя пойтахти ва собиқ СССРнинг бошқа ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий қилинган, одамларни қўрқитиш, норозиларни янчиб ташлаш учун кўчаларга танклар чиқарилган. Мамлакатда нашр этилаётган марказий газеталар ва ижтимоий-сиёсий нашрларнинг сони қатъий чекланган. Гўёки вазиятни нормаллаштиришга халақит бераётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган. Қора рўйхатлар тузилаётганмиш, деган эҳтимолдан холи бўлмаган шум хабарлар тарқалган. Телевидение, радио ва оммавий ахборот воситаларида ГКЧПнинг таҳдидли баёноти мунтазам эълон қилиб турилган.

Бу паллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга расмий ташрифи давом этаётган эди. Мамлакатимиз раҳбари ва расмий делегация вакиллари бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон пойтахти бўлган Аграни ва Тож Маҳални зиёрат қилаётган кун – 1991 йил 19 августда аламзада ГКЧП аъзоларининг қуйидаги қарори эълон қилинган.

**«1991 йил 19 август Москва вақти билан соат 4.00 дан бошлаб олти ой муддатга фавқулодда ҳолат жорий этилсин. Белгилаб қўйилсинки, СССРда Давлат фавқулодда ҳолат комитетининг қарорлари СССРнинг бутун ҳудудида жамики ҳокимият ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари ва фуқаролари оғишмай ижро этиши учун мажбурийдир».**

ГКЧП ҳақидаги хабар ўша заҳотиёқ Ҳиндистонга етиб боради. Гарчи Ислом Каримов суверен республика — Ўзбекистон ССР Президенти сифатида давлат ташрифини амалга ошираётган бўлса-да, Москва бизга СССРнинг бир бўлаги деб қарагани учун делегациямизга СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Виктор Исааков ҳамроҳлик қилаётган эди. Биз юқорида тилга олган таниқли сиёсатшунос-журналист Аҳмад Тошхўжаевнинг «Сарбон ва Карвон» китобида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга расмий ташрифи ҳамда биз ҳозир тилга олган Аграда содир бўлган воқеалар батафсил баён қилинган. Тарихий манбааларга асосланган ушбу рисолада қайд этилишича, СССРнинг Ҳиндистондаги собиқ элчиси Виктор Исааков Агра шаҳрида делегациямиз вакилларига ҳовлиқиб мурожаат қилиб шундай деган: «Мен Президент ҳузурига киришим керак. Кечиктириб бўлмайдиган махсус ахборот бор». Виктор Исааков назарда тутган ахборот Москвада ҳокимиятни Давлат фавқулодда ҳолат комитети эгаллагани тўғрисидаги телеграмма экан. Унда мазкур комитет зиммасига олган ваколатлар баён қилиниб, унинг қарорларини сўзсиз бажариш барча учун мажбурийлиги айтилган эди. «Ислом Абдуғаниевич, сиз Москвага жавоб телеграммаси жўнатасизми?» деб сўради элчи. «Йўқ!» деди Президент. Бу мустақиллик бўсағасида, эркин тараққиёт йўли бошида турган мамлакат раҳбарининг қатъий ва кескин жавоби эди. У яна шундай деганди: **«Менга бу ҳақда Ҳиндистонда хабар беришганида, хаёлимга дастлаб бу тўнтариш умри қисқа қаллоблик, авантюра деган фикр келди».**

Тўнтаришнинг дастлабки соатлари ва кунларидан Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди. Албатта, элчи ундан бошқа мавзудаги, яъни комитетни қўллаб-қувватловчи итоаткорона жавобни кутганди. Вазият эса чиндан ҳам қалтис эди. Ўша шароитда Давлат фавқулодда ҳолат комитетидан ҳар қандай қонунсиз хатти-ҳаракатни, зўравонликни, қабиҳликни кутиш мумкин эди. Бундай пайтларда энг тўғри йўл — тезроқ Ватанга етиб олиш. Президент зудлик билан самолётни парвозга тайёрлаш, муддатдан олдин учиб кетиш ҳақида мутассади одамларга кўрсатма берган. **«Ўшанда икки нарсадан хавотирга тушдим,** дея хотирлайди кейинчалик Президент. — **Биринчиси, Ўзбекистонга қандай етиб борамиз, Покистонни қандай кесиб ўтамиз? Бунда бизга қарши бирон иғвогарлик, провакация бўлмайдими? деган ташвиш эди. Иккинчи хавотир шундан иборат эдики, Тошкентда қолган раҳбарлар шошилиб биз учун оқибати салбий бўладиган бирон ножўя иш қилиб қўймайдими, дея ўйлардим. Чунки ташвишланиш учун асос бор эди. Аэропортда самолётни чегарачилар ўрай бошлаган эди. Агар Аграда ушланиб қолсак, Тошкентда аҳвол нима бўлади, деган хаёл мени қийнарди. Биз белгиланган вақтдан роппа-роса бир соат олдин учиб кетдик. Шундагина енгил тортдим».** (А.Тошхўжаев. «Сарбон ва Карвон», Тошкент, Ўқитувчи, 2002 й.).

Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси бўлган самолёт ҳавога кўтарилгач, Президент Ислом Каримов делегация аъзоларидан тўрт-беш кишини ўзи учун ажратилган махсус салонга таклиф қилади ва уларга Москвада фавқулодда ҳодиса юз бергани, СССР Президенти М.Горбачёв Қримда дам олаётган жойида уй қамоғига олинганини, ўзларини ГКЧП деб атаган бир гуруҳ ҳарбийлар ва хавфсизлик қўмитасининг раҳбарлари давлат тўнтариши ясаб, ҳокимиятни қўлга олишганини, Россия Президенти Б.Ельцин ва унинг тарафдорлари Москвадаги ҳукумат уйи ҳимоясида турганини, уларга қарши ҳарбий куч ва танклар ишга солинаётганини айтади.

Делегациямиз аъзолари Аградан нима сабабдан шошилиб жўнашганини англаб етишади. Мамлакатимиз раҳбари самолётдаёқ: **«Ўзбекистоннинг ўз йўли бор. Биз ўзимиз танлаган йўлдан асло қайтмаймиз. Олий мақсадимиз мустақиллик!»** дея қатъий таъкидлайди.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари**

*(Боши ўтган сонларда.)*

*(Давоми бор.)*

# ЖИЗЗАХ – ФЕРМЕРЛАРНИНГ ТАЯНЧ МАРКАЗИ

**Фермерлар қанча кўпайса, қанча бойиса одамларга, жамиятга шунча фойдаси тегишини Жиззах вилояти фермерлари фаолияти мисолида кўриш мумкин**

Бундан икки-уч йил аввал вилоятда фермерларга ер тақсимлаб беришда баъзи бир эътироз билдирганлар ҳам бўлди. Аммо дадил олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳаётда ўз тасдиғини топди... Очиғини айтганда, 2001 йилни ширкат хўжаликларидан иборат қишлоқ хўжалик сектори 16 млрд. сўм зарар билан якунлади. Бирорта ҳам хўжалик фойда кўрмади. Аксинча, қопланмаган қарзлар фалон суммаларни ташкил этди. Вилоятда қишлоқ хўжалиги бутунлай боши берк кўчага кириб қолиш эҳтимоли пайдо бўлди. Лекин, мана шундай оғир ва масъулиятли даврда тармоқни ялпи фермерлаштиришга ўтилди. Вазирлар Маҳкамасининг **«2004-2006 йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори бизга катта мадад бўлди. Қиёс учун айтай, вилоятда 2001 йилда 4 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 2004 йилда улар сони 12 мингдан ошди. Мавжуд 404,7 минг гектар ер улар ихтиёрига берилди.

Фермер хўжаликлари фаолияти таҳлили шундан далолат бермоқдаки, ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкатларга қараганда анча юқори бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермерлар улуши пахтада 2000 йилда 64 фоиздан 2003 йилда 100 фоизга, ғалла — 46 фоиздан 95 фоизга етди. Фақат ғалла ҳосилининг ўзи ўтган 2003 йилда (қишлоқ хўжалик корхоналарида) 25 центнер бўлган бўлса, фермер хўжаликларида 34,4 центнерни ташкил этди. Туманларда бундан ҳам юқори бўлди. Дўстлик туманида 42,4, Пахтакорда 38 центнер бўлди. 2002 йилда 1600 фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини бажарган бўлса, 2003 йилда уларнинг сони 2600 тага етди. Хомашё ва гектарга бўлган харажатлар ширкат хўжаликларида 1 гектарга 313815 сўм, фермерларда эса 190714 сўм бўлди. 1 тонна пахта ширкатларда 364901 сўмга, фермерларда 114200 сўмга тушди. Ғалла — ширкатда 59710 сўм, фермерларда 48720 сўм бўлди... **Бу натижалар фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий қишлоқ хўжалиги субъектига айланаётганидан ёрқин далолат.**

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун жойларда қўшимча 51 та муқобил машина-трактор парки, 56 та минерал ўғит, 83 та ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шахобчалари, 44 та мини банклар ва агрохизмат марказлари очилди. Табиийки, бу ўзгаришлар қишлоқ инфраструктураси тизимини яхшилашга катта таъсир кўрсата бошлади. Айниқса, фермерлар фақат ўз иқтисодий салоҳиятларини яхшилабгина қолмай, вилоят иқтисодиёти, маънавияти, маърифати ва маданияти ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга киришдилар. Кўплаб хайрли, савобли ишларга бош-қош бўлди ва бўлаяпти. Масалан, уларнинг саховати билан Бахмал туманининг Сангзор хўжалигида қурилиши 50 миллион сўмдан зиёд бўлган 52-ўрта мактабнинг эски биноси ўрнида янги иншоот тикланди ва у турли замонавий жиҳозлар, компьютерлар билан таъминланди. Узунбулоқ қишлоғидаги 53-ўрта мактабга 5,5 километр узоқликдан ичимлик суви тортиб келинди. «Гулбулоқ» ҳудудидаги мактабга ҳар бири 98 минг сўмлик 90 та синф доскаси ва ҳар бири 90 минг сўмлик 100 та парта совға қилинди. 55 та мактабда тиббиёт хоналари, 60 мактабда буфет, 10 тасида ошхона ишга туширилди. 36 та мактаб газ билан таъминланди. 10 та ёпиқ спорт мажмуаси, 14 спорт зали қайта таъмирланди.

Яна бир мисол: Дўстлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Юлдузхон Холматова ташаббуси билан жамоасидаги ҳар бир механизаторга (улар 4 киши) 3,5 тоннадан, сувчиларга (12 киши) 2,5 тоннадан, кам таъминланган оилаларга 14 тонна, туман «Маҳалла» хайрия жамғармасига 2,5 тонна ғалла тарқатилди. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 200 минг сўм хайрия ҳам берилди. Болалар спортини ривожлантиришдек саъй-ҳаракатларга қўшилиб, туман «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси ҳисоб рақамига 1 миллион сўм маблағ ўтказилди. Қисқаси, шу туманнинг барча фермер хўжаликлари бу йил ҳудуддаги мактаб, болалар боғчалари, фельдшер-акушерлик пунктларини таъмирлаш ишлари ва янги ускуналар олиб бериш жараёнларига 20 миллион сўм сарфлашга қарор қилганлар.

Янгиобод туманидаги Юқори Сармич, Пастки Сармич, Дашт, Жулангир, Искандар қишлоқларининг бир-бирига туташ аҳоли манзилгоҳларида фермерлар ёрдами билан ёпиқ спорт комплекслари бунёд этилмоқда. Арнасойлик фермер Нусратой Исмоилова хўжалик ҳисобидан болалар боғчасига 300 минг сўмлик қурилиш ашёлари ва жиҳозлар олиб берди. Бундай мисолларни вилоятнинг барча туманларида фаолият олиб бораётган ҳар бир фермер хўжалигидан келтирса бўлади.

Фермерлар ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Биргина Зарбдор туманида «Зарзамин» фермер хўжалиги заминида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиб қадоқлайдиган корхона 30 кишини янги иш ўрни билан таъминлади. Келгусида бу ерда бундай иш ўринлари 210 тага етказилиши мўлжалланган. Мирзачўл туманидаги «Ғалаба» фермер хўжалиги эса бир кеча-кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқарадиган корхона қуриб, 50 кишини ишга қабул қилди.

Вилоятда 2004 йил барака йили бўлиши кутилмоқда. Ўтган йиллари турли сабаблар билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган 10 минг гектарга яқин қўшимча ер «ишга» туширилди. Шунингдек, вилоят ташкилотлари ташаббуси билан имконияти кўтарадиган муассасаларнинг жамоалари хўжаликларда 4-5 йилдан бери ташландиқ ҳолга келиб қолган қаровсиз ерларда ўзларининг алоҳида ҳисоб рақамига эга фермер хўжаликлари ташкил қилдилар. Чунончи, Арнасой туманидаги «Самарқанд» агрохизмат марказига қарашли 42 та фермер хўжалиги ғалла, пахта етиштириш бўйича шартномавий режаларини 2 йилдан бери сурункасига бажармай келишарди. Шу йил бошида улар фаолияти тўхтатилиб, ўрнида йириклаштирилган (тендер асосида) фермерлар ташкил топди. Тугатилган хўжаликларда пахта майдони илгари ўртача 20-35 гектардан бўлса, янги фермер хўжаликларининг 150-200 гектар экин майдони бор. Энг муҳими, ҳозир уларнинг барчасида эришилаётган ютуқлар юқори кўрсаткичлардан сўзлаяпти.

Ижобий ишлардан яна бири — бу, ночор фермер хўжаликларини вилоят ҳокимиятидан тортиб, барча вилоят ва туман ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ҳомийликка олинаётганлигидир.

Шу кунларда пахта йиғим-теримига қизғин тайёргарлик билан бирга ариқ-зовурлар ва коллекторларни тозалаш, сув шахобчаларини таъмирлаш борасида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. 40 километрдан зиёд суғориш лотоклари таъмирланди. Мирзачўл шароитида ерларнинг жуда чарчаб қолганлиги эътиборга олиниб, ҳукумат томонидан 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Мазкур маблағ фермер хўжаликларига тўғридан-тўғри банклар томонидан кредитланмоқда.

Бир сўз билан айтган-да, бу ютуқлар ва саъй-ҳаракатлар яқин йиллар ичида вилоятда юқори малакали, иш кўзини биладиган, иқтисодий жиҳатдан бақувват ва ернинг ҳақиқий эгаларига айланган янги фермерлар синфи шаклланиши муқаррар эканлигидан ёрқин далолат. Айтиш мумкинки, Жиззахда бутун мамлакатга намуна бўлгуси фермерлик мактаби яратилди. Таъбир жоиз бўлса, у фермеробод бўлиб, фермерларнинг таянч марказига айланди.

**Жўрақул ИСРОИЛОВ,**
**ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгаши биринчи котиби, тарих фанлари номзоди.**



**ХДП ФАОЛЛАРИ**

**Суратда:** Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши фаолларидан бир гуруҳи. Чапдан, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Гавҳар Мадаминова, туман халқ таълими бўлимининг кадрлар бўйича бўлим мудири Очилбек Жабборов, Хоразм «Оби ҳаёт ЛТД» МЧЖ раиси Ҳабибулла Раҳимов, Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши биринчи котиби Ўктамбой Собиров, пенсионер Болтабой Ўринов ва туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Замира Бекчанова.

**П.ПАРДАЕВ олган сурат**

Партия ташкилотлари ҳаётидан

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши**да туман ва шаҳар партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарликнинг бориши масаласига бағишланган минтақавий семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

**ХДП Самарқанд вилоят кенгаши** қатор туман ва ташкилотларда икки палатали парламент тизими, жорий йилда бўладиган сайловларнинг аҳамияти ва партиянинг жорий фаолиятига бағишланган «давра суҳбати», учрашув ва мулоқотлар ўтказдилар.

**Марғилон шаҳри**даги Йўрмадўз маҳалласида ЎзХДП аъзоси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Ф.Фозилов ҳомийлигида маҳалла гузари барпо этилди. ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши ташаббуси билан ушбу гузарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 10 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, тўй болаларга совға-саломлар улашилди.

**ХДП Сергели туман кенгаши** ташаббуси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Айрвайс-техникс», «Кетринг НАК» корхона ва ташкилотларида йил охирида бўлиб ўтадиган сайловлар, уларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартибига бағишланган учрашув, суҳбат, мулоқотлар ташкил қилинди.

Мазкур туман партия кенгаши, қатор жамоат ташкилотлари ҳамда «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти ҳамкорлигида 200 нафар ногирон ва меҳрга муҳтож кишилар учун мароқли суҳбат уюштирилиб, дастурхон ёзилди. Туман ҳокимлиги томонидан уларнинг ҳар бирига омонат дафтарчалари очилиб, маблағ қўйилди.

**Акмал Икромов тумани**даги «Ватан» маҳалласида «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирда мазкур туман партия ташкилоти ҳам фаол иштирок этди. ХДП туман кенгаши томонидан тадбирга ташриф буюрган кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топширилди.

Ушбу партия кенгаши, шунингдек Микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида «Мустақиллигимиз — абадий бўлсин» номли маданий-маърифий тадбир ўтказди.

**ЎзХДП Бухоро туман кенгаши** ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида «Чорбакр» ширкат хўжалигидаги болалар боғчасига моддий ёрдам кўрсатилиб, болалар учун қизиқарли маданий тадбир ташкил қилинди.

**ХДП Пешку туман кенгаши** туман марказий поликлиникасида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллик йилларида» мавзусида «давра суҳбати» уюштирилди.

**Бухоро шаҳар партия кенгаши** 1-сонли «Наршахий» маҳалласида партия фахрийлари ва фаоллари, кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида бир пиёла чой устида суҳбат ташкил қилди. Тадбирда 20 та ижтимоий ночор оилаларга совғалар тарқатилди.

**Янгийўл туман** «Дўстлик» ширкат хўжалиги ва бу ердаги бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан шу хўжалик раҳбари, ХДП аъзоси З.Суяров ҳомийлигида 15 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди.

**ЎзХДП Бекобод туман кенгаши**, туман хотин-қизлар қўмитаси ва қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилиб, ғолибларга туман партия кенгашининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур партия кенгашининг тарғибот ва ташвиқот гуруҳи раҳбари М.Абдувалиев ташаббуси билан 6-сонли умумтаълим мактабда «Ўзбекистонда сайлов тизими ва бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги» мавзуида «Заковат» мусобақаси ўтказилди.

Ушбу партия кенгаши кўпгина миллатлар вакиллари ўқийдиган 20-сонли умумтаълим ўрта мактабда «Биз сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» мавзусида катта маданий-маърифий учрашув ўтказди.

**Бекобод тумани**даги «Далварзин» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти партия фахрийлари ва фаолларини бир пиёла чойга таклиф қилди. Иштирокчилар бўлажак сайловлар, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида суҳбатлашдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

Қинғир иш — келтирар ташвиш

# АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

**ЁКИ ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ СОЛАЁТГАН СИФАТСИЗ ЁҒ ВА АРОҚ ТАЙЁРЛАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА**

Сотувчи қиммат сотсам, харидор эса арзон олсам, дейди. Бу табиий. Аммо, арзонига учиб, сўнг ўз соғлигидан айрилиб қолаётганлар ҳам учраб турибди. Сабаби, маҳсулот сифатсиз, истеъмолга яроқсиз.

Хўш, яроқсиз озиқ-овқатлар қаёқдан келяпти? Уларни кимлар ишлаб чиқараётир? Аниқланишича, бундай вино, ароқ, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотлар тозалик-озодалик, технологик талабларга мутлақо жавоб бермайдиган яширин цехларда тайёрланар экан.

...Избоскан туман Пойтуғ шаҳрида яшовчи Миноввар Отажонов ўзини бизнесда синаб кўрмоқчи бўлиб, қўлбола мойжувозда ёғ ишлаб чиқара бошлади. Ҳеч жойда рўйхатдан ўтмай ноқонуний фаолият юритган «тижоратчи»нинг тезда сири очилди. Унинг уйидан пахта чигити, ўсимлик ёғи, кунжара далилий ашё сифатида олинди. Қолаверса, у мойжувозини электр тармоғига рухсатсиз улаб олган экан. Оқибатда электр тармоқлари идорасига 701,9 минг сўм зарар етказилган.

Гурлан тумани «Чинобод» ширкат хўжалигида яшовчи Санамжон Холлиева эса қўлбола ароқ тайёрлаб сотаётган вақтда қўлга тушди. Унинг уйи кўздан кечирилганда 260 шиша «Урганч» ёзувли ароқ, акциз маркалар ҳамда шиша оғзини маҳкамловчи мослама топилди. Ҳужжатлар расмийлаштириб ноқонуний фаолият юритган С.Холлиевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Деновлик Ориф Исматовнинг «заводи» бор, десак кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Ўзини қўй оғзидан чўп олмайдиганлардан қилиб кўрсатувчи бу инсоннинг «ҳунари» кишини лол қолдиради. Ўз уйида пахта чигитидан мой ва кунжара ишлаб чиқарувчи яширин цех очган шоввоз текширувчиларни кўриб ер чизиб қолди. 500 килограмм чигит, 225 килограмм кунжара 45 литр қора мой, 1 дона 100 литрлик темир идиш ва мойжувоз далилий ашё сифатида олинди. «Завод» фаолияти тўхтатилиб, эгасига қонуний чора кўриладиган бўлди.

Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов ширкат хўжалигида яшовчи С.Зарипованинг уйига одамлар серқатнов бўлиб қолганининг сабаби бор экан. «Харидорлар» ёғ сўраб опанинг эшигини тақиллатишди. «Келинг, хизмат», — деб уй бекаси уларни илиқ қарши олди.

— Ёғ олмоқчи эдик.

— Яхши. Қанча керак?

Айтишди. Бека билан ҳисоб-китоб бўлгач, цехингизни бир кўрайлик-чи, деб жувозхонага кириб не кўз билан кўришсинки, бу ерда санитарияга зид ҳолда, устига-устак қонунга хилоф ҳолда ёғ тайёрлашяпти. Дарров ҳужжат қилиниб, «жувозхона» ёпилди.

«Ароқ — харидоргир маҳсулот, тез сотилади. Ароқ тайёрлаб сотсам-чи». Пахтакор туманида яшовчи Нурмуҳаммад Қорабеков калласига келган бу фикрдан хурсанд бўлиб кетди. «Пул топишнинг бир йўли-да» хаёлидан ўтказди у. Қисқаси, уйида қўлбола ароқ тайёрлаб сота бошлади. Хуллас, ароқнинг «бозори» айни авжига чиққан пайтда унинг ҳам фаолиятига чек қўйилди...

Солиққа тортиш базаларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш борасида амалга оширилган тадбирларга қарамай, айрим фуқаролар томонидан маҳсулотларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказмай, яширинча ишлаб чиқариш ҳолатлари юз бераётганлиги афсусланарли.

Шу йилнинг биринчи ярмида ароқ-вино ва турли бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараётган 333 та яширин цехлар фаолияти фош этилиб, 66,3 миллион сўмлик товарлар ва фойдаланилган ишлаб чиқариш ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Масалан, чигитдан пахта ёғи ишлаб чиқарувчи 53 та яширин цехлар фош этилган. Ушбу яширин цехлардан 150,4 тонна пахта хомашёси олиб қўйилган.

Хўш, ўзи пахта ёғи ишлаб чиқаришда қандай технологик жараёнлар бажарилади? Яширин цехларда тайёрланаётган қўлбола ёғнинг инсон саломатлигига зарари қандай? Шу ҳақда мутахассис фикрини келтирсак.

**Марҳамат ҚОРАБОЕВА, «Янгийўлёғ-мой» ХИИ ОАЖ бош технологи:**

**— Техник пахта чигитидан олинадиган озуқавий пахта ёғи ишлаб чиқаришда бир қатор технологик жараёнлар бажарилади. Булардан бири чигит янчилмасини буғ ва иссиқлик билан ишлов бериш. Бу жараёнда чигитдаги заҳарли бўлган госсипол моддаси инактивация бўлади (зарарсизлантирилади) ва ёғ таркибига ўтмайди. Қўлбола усулда ёғ олинганда буғ-иссиқлик ишлови бўлмайди, шу сабабли госсипол моддаси заҳарли ҳолида ёғ таркибига ўтади.**

**Ёғни тозалаш ҳам бир қатор технологик жараёнларни ўз ичига олади, яъни ёғни нейтраллаш, ювиш, қуритиш, фильтрлаш жараёнлари. Бу жараёнларда ёғ сифатига салбий таъсир этувчи эркин ёғ кислоталари, бўёвчи моддалар, ёғ кислоталарининг натрийли тузи чиқариб юборилади. Қўлбола цехларда ёғни тозалашда юқорида айтиб ўтилган жараёнлар бажарилмайди, шунинг учун ёғ таркибида қўшимча зарарли моддалар (госсипол, эркин ёғ кислоталари, совун моддаси) сақланиб қолади.**

Кўриниб турибдики, қўлбола усулида ишлаб чиқарилган пахта ёғининг турган-битгани саломатликка зиён. Шундай экан, ҳар бир истеъмолчи сифатли маҳсулотни харид қилиши лозим. Кўзни кўр қилиб, жигарни ишдан чиқарадиган сифатсиз маҳсулот эса нафақат бир инсонга, қолаверса жамиятга ҳам катта зарар етказишини чуқур англашимиз даркор.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти катта инспектори,**
**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Мулоҳаза

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ: ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЎРНИ ВА ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ

## ЁХУД УНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ САЛОҲИЯТИ ҲАҚИДА МУШОҲАДА



Тўғриси, мазкур мавзуни қаламга олишимга мустақиллигимиз тарихи саҳифаларига муҳим воқеалардан бўлиб кирган бир сана сабаб бўлди. Кузатиб юришимча, бу санани ҳамиша ҳам эслайвермаймиз. Бу гал (бу йил) ҳам шундай бўлди, бирор оммавий-ахборот воситалари у ҳақда ёзишмади. Ва хулоса қилдимки, ҳурриятда ўтган йилларимизнинг ҳамма саҳифаларини ҳам уларнинг тарихий ўрни ва моҳияти жиҳатдан ҳали тўла ўрганмаяпмиз, чоғи...

Ҳолбуки, бундай **саҳифалар** жуда кўп: **Шулардан бири Мустақиллик майдони тарихи.**

Бу майдон шубҳасиз ўз тарихий ўрнига, моҳиятига эга.

1

1991 йил 1 сентябрь куни мамлакатимизда Мустақиллик эълон қилиниши билан орадан тўрт кун ўтиб, 5 сентябрь куни **(гап ана шу сана устида кетаяпти! Н.С.)** Ватанимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдони деб қайта номланди. Юртбошимизнинг Фармони чиқди: **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» Олий Кенгашнинг Баёноти муносабати билан ва Республика жамоатчилигининг кўпдан-кўп истакларини ҳисобга олиб:**

**1. Тошкент шаҳридаги В.И.Ленин номли майдонни Мустақиллик майдони деб қайта номлаш тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг таклифи қабул қилинсин...»**

Бу мустабидлик йиллари асоратидан эндигина қутулиб чиқаётган илк кунларимиздаёқ юз бераётган ўзгаришлардан эди...

Ҳа, ўтган асрнинг охирларига келиб, бутун собиқ иттифоқ, жумладан, ҳар бир республикада катта, ҳайратли ўзгаришлар содир бўлди. Уларнинг ҳаммасида муштарак хусусиятлардан бири — миллий уйғониш бўлиб, ҳар бир халқ ўз қадр-қимматига кўпроқ қайғуришга киришди ва ҳар бир республика ўз мустақиллиги учун фидойи курашчанликни бошлаб юборди.

**«Республика пойтахтининг марказий майдонларидан бири,** — дейилганди ўшанда Фармонга берилган шарҳда, — **бугундан эътиборан Мустақиллик майдони деб аталиши ва бу ҳодиса Республика Президентининг махсус Фармони билан мустаҳкамланиши, шунчаки, оддий ҳодиса бўлмай, адолат тантанасининг ёрқин ифодаси, жуда кўп йиллардан буён халқ дилида туғилиб юрган орзунинг амалга ошишидир. Моҳият эътибори билан республикамиз ҳаётидаги улкан тарихий ҳодисалардан биридир.**

2

**...Бу манзил бугундан эътиборан алоҳида сиёсий ғояларнинг аксадоси тарзидаги юришлар, зўрма-зўраки намойишлар эмас, балки, эл-юртимизнинг жамики меҳнатсевар, ҳақиқий бахт-истиқболга муносиб халқимизнинг мустақиллигини, шоду хуррамлигини, меҳнат ғалабалари нашидасини, орзу-умидларини, ўзлигини намоён этувчи майдон бўлиб қолади...»**

Дарвоқе, Фармон айни пайтда ҳаётдаги қадриятларимизнинг тикланиши, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши ва барча орзу-умидларимизнинг амалга ошишига қанот бағишлади.

Негаки, миллатимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган ҳар қандай туб ўзгаришлар ва янгиликлар шундан сўнг илк бор шу майдон узра эл-юртга тарала бошлади. Мустақиллик байрами тантаналари айни шу ердан бошланиши анъана бўлди, миллий қадриятларимиздан бири — Наврўз байрамининг қайта тикланиши ҳам илк бор айни шу майдондан (сумалаклар тортилиб, тиловатлар ўқилиб, ўйин-кулги, қўшиқ ва рақсларга уланиб...) байрам билан бошланди.

Буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссалари ва улар яратган фалсафий таълимотларнинг қадри қайта ўрнига қўйилиши зарурлиги борасидаги давлатимиз раҳбари маърузалари шу майдон минбаридан ўқилди. Мустақиллик ўз-ўзидан келмаганлиги, ота-боболаримиз унинг учун асрлар давомида кураш олиб борганлиги тўғрисидаги миллий истиқлол ғояси ҳам фуқароларимиз ва айниқса, ёшларимиз онгига сингдирилиши лозимлиги шу майдонда ўтган жамики тадбиру маросимларда қайта-қайта уқтирилди.

Ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий меросга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмуни шу ерда ўтказилаётган йиғинларда, йил сайин байрамона безатилаётган тасвирларда, паннолар ва бадиий чиқишларда ўз аксини топиб бора бошлади.

Бутун ер юзи афкор оммаси гувоҳ, Истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққани, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилаётгани, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар — Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилиши ҳам айни шу ерда бўлиб ўтаётган умумхалқ сайлларида баралла айтилмоқда ва у «Спутник»лар ёрдамида бутун жаҳон телекўрсатувларига олиб берилаяпти.

Уларда на фақат рақамлар, балки миллий давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тарихи, мустақиллик йиллари ва унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган жамиятимизнинг пировард натижалари — ҳамма-ҳаммаси шу ердаги лавҳаларда ўз ифодасини топаяпти.

Ҳозирги кунда бу муқаддас манзилнинг Мустақиллик майдони, Ватанимиз Бош майдони деб номланиши янада ва янада чуқурроқ моҳият касб этиб бормоқда. Икки палатали парламент тизимига ўтишимиз муносабати билан бугун унинг ёнидан мамлакатимиз Сенати ҳам ўрин олаяпти. Давлатимизнинг ижро органи ва унинг аксарият асосий вазирликлари ҳам шу ерда. Майдон бошида республи-

3

камиз Президентлик девони — Оқсарой турибди...

Мамлакатимизда Мустақиллик байрами, Асосий қонунимиз — Конституция куни, Наврўз байрами, Ватанимиз рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳия қабул қилинган саналар, миллий маросимлар ва хотира ва қадрлаш куни сингари тадбирлар ҳақида, уларнинг тарихдаги ижтимоий-сиёсий ўрни ҳамда моҳияти тўғрисида муттасил, муфассал битиклар ёзилаяпти, тушунчалар берилаяпти, ўрганилаяпти, кенг тарғиб қилинаяпти. Шубҳасиз, улар Мустақиллик йилларининг мозийга зарҳал ҳарфлар билан ёзилгуси, ёзилишга арзигули саҳифалар. Шу нуқтаи-назардан яна бир саҳифа — Ватанимизнинг Бош майдони — Президентимиз ташаббуслари ва Фармонлари билан ҳурриятнинг илк кунлариданоқ Мустақиллик майдони деб қайта номланиши тарихи ҳамда моҳияти ҳам кенгроқ ўрганишга, атрофлича тарғибот-ташвиқот қилинишга жуда-жуда муносиб, жуда-жуда арзигулик деб ўйлайман.

Масалан, ёшлар — юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида (дейлик, **«Ватанимиз Бош майдони тарихи ва миллий давлатчилигимиз тараққиётидаги ўрни»** ёки **«Мустақиллик майдонининг маънавий-ахлоқий салоҳияти»** мавзуларида) энг яхши иншолар, реферат танловлари, радио-телевикториналар, тест синовлари, баҳс-мунозаралар каби тадбирлар ўтказилса, уларнинг англаш қобилияти ўсиши ва маънавий баркамоллиги такомилига фойдадан холи бўлмасди. Қолаверса, бу ва юқорида санаб ўтилган ҳамда кўпдан-кўп бошқа саналар — ҳаммаси эндиликда ўзининг тарихий, илмий таҳлилини кутаётган мумтоз мавзулардан деб бемалол айтиш мумкин...

Ана шунда, наздимизда, ҳамма муҳим саналар қатори Бош майдонимизнинг ҳам ўз моҳият-эътибори билан қайта номланган номи тенг ҳуқуқли суверен демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам қўрғонларидан бири эканлигини эслатувчи ном бўлиб вужудга келганлигини ёшлар ва келгуси авлод **чуқурроқ тушуниб** етган бўлурди.

Ана шунда, улар Юртбошимиз бошлаб берган улуғвор саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этаётганлигини ва иштирок этишга миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро — ёшу кекса Ватан бахт-саодати йўлида **бурчли** эканлигини ҳам теранроқ англарди...

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

XORIJDA

### МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШ УЧУН

АҚШ Давлат департаменти томонидан ажратилган ва 2 сентябрда эълон қилинган грантларнинг асосий қисми 3 йилдан буён амалга оширилаётган дастур доирасида 50 мамлакатдаги лойиҳалар учун мўлжалланган. Бу жаҳоннинг барча географик минтақаларидан тақдим этилган мероснинг ҳаётийлиги ва аҳамиятини яна бир карра таъкидлайди. Турли маданий тадбирларга сарфланадиган грантлар АҚШ конгресси томонидан 2001 йилда таъсис этилган маданий меросни сақлаш Элчихоналик жамғармаси орқали берилади. Бу йилги грантларни олиш учун давлат департаментига 120 дан ортиқ таклиф тушган.

### ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҚИЙИН КЕЧАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Афғонистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссиянинг фикрича, бу мамлакатда октябрь ойида ўтадиган президентлик сайловлари чоғида сайлов участкаларидаги хавфсизликни таъминлаш жуда мушкул бўлади. Экспертлар шунингдек, овоз бериш натижаларини сохталаштириш эҳтимоли ҳам катта бўлади деб ҳисобламоқдалар.

Ҳушёрлик — давр талаби

# БЕСЛАН БОНГИ ДУНЁНИ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ҲАМЖИҲАТЛИККА ЧОРЛАМОҚДА

Россиядаги террорчилик хуружлари, Бесландаги фожиа жаҳон аҳли қалбида чуқур жароҳат қолдирди. Ўзбекистон халқи ҳам Шимолий Осетия шаҳарчаси мактабида жангарилар томонидан амалга оширилган ёвузликни ўз мусибатидек қабул қилиб, юракларига қаттиқ олди. Юртдошларимиз аламдийда Россия халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этмоқда. Кексаю ёш болалар қотиллари ва улар раҳнамоларини лаънатлаб, чексиз нафратини билдираяпти.

Бесландаги қонхўрликнинг ҳали узил-кесил натижаси чиқарилгани йўқ. Сўнгги маълумотларга қараганда, улар ҳозирча қуйидагилардан иборат:

— Шимолий Осетия халқ таълими вазирлигининг маълумотларига қараганда, мактабда террорчилар томонидан 1181 киши: болалар, ўқитувчилар, ота-оналар ва буви-бувалар гаровга олинган. Уларнинг барчаси биринчи сентябрь куни ўқиш бошланиши муносабати билан ўтказиладиган анъанавий тантанавий маросимга келишган эди.

— 338 киши, шу жумладан 156 бола, махсус хизмат ходимларидан 11 киши, фавқулодда вазиятлар вазирлигининг икки ходими қурбон бўлган.

— 260 та собиқ гаровга олинган инсоннинг тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

— Россия касалхоналарига келтирилган 556 ярадордан 347 нафарини болалар ташкил этади. Илоҳим, қурбонлар сони ошмасин, шифохонадагиларнинг барчаси соғайиб, ўз яқинлари бағрига қайтишсин.



Жангарилар Бесландаги мактабни қандай ишғол этишганини видеотасмага туширишган экан. НТВ томонидан сешанбадаги «Мамлакат ва биз» дастурида намойиш этилган ушбу видеотасма чамаси 1 сентябрь куни мактаб эгаллангангач, орадан бир неча соат ўтгач суратга олинган. Террорчилар мактаб спорт залида портлагичларни ўрнатишмоқда, улардан бирининг овози эшитилмоқда: «Кутиб турринглар, болаларни ҳозирча бу ерга олиб кирманглар...» Жангарилар баъзи портловчи қурилмаларни тайёрлаш жараёнини ҳам батафсил суратга олишган. Видеотасмадан иккита ажал уруғининг спорт залда қандай ўрнатилаётганлиги кўриниб турибди. Афтидан кейинроқ олинган минглаб кадрларда гаровга олинган кишилар ўтирган спорт зали намоён бўлади. Портловчи қурилмаларнинг симлари, қон излари кўзга ташланади. Қуролли жангарилар минглаб гаровдагиларни қўриқлаяпти. Улардан бири оёғи остидаги китобда афтидан портлатиш қурилмаси ишга тушириш сими жойланган бўлса керак.





Ёвузликка қўл урганлар жангариларнинг 28 нафари ўлдирилган, биттаси эса тириклайин қўлга туширилган. Эндиликда кўрсатма бераётган бу жангари Басаев ва Масхадовнинг номини айтяпти. Айнан улар бутун Кавказ бўйлаб уруш чиқариш иши ниятида жангарилар олдига мактабда болаларни гаровга олиш вазифасини қўйган.

Жаҳон телеканаллари орқали Басланда бегуноҳ қурбон бўлган болаларни дафн этиш маросими ҳамон давом этаётганлиги тез-тез намойиш этилмоқда. Уларни кўриш жуда ҳам оғир. Қабристоннинг эскисида жой етмаганлиги боис, улар янгисига қўйилаяпти. Шаҳарчадаги баъзи уйларнинг эшиклари биринчи сентябрдан буён ёпиқлигича қолмоқда. Бу эшиклар энди сира очилмаслигидан киши даҳшатга тушади. Хонадон аъзоларидан биронтаси омон қолмаган. Халқимизда болали уй бозор дейишади. Бесландаги шаҳарда болалар кулгиси ҳалибери эшитилмаса керак.

Террорчилар ёвузлиги дунё аҳлининг кўзини очмоқда. Эзгу ниятли ҳар бир киши Беслангилар мусибатига шерик бўлиб, чуқур ҳамдардлик билдирмоқда. Беслан бонги инсоният бошига кўланка солаётган балога ҳамжиҳатликда курашга чорламоқда. Фожиадан ҳар бир давлат раҳбари, сиёсатчиси ва фуқароси тегишли сабоқ чиқариши лозим. Зеро, халқаро терроризмга қарши ҳамжиҳатликда курашибгина унинг илдизини қуритишимиз мумкин.

**Алишер РЎЗИЕВ**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**ҲУРМАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ САРМОЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой учун қуриш учун ер участкалари ҳамда республикамиздаги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ниятингизнинг амалга оширилишида**

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» масъулияти чекланган жамиятининг кўчмас мулк бозорида 10 йиллик тажрибага эга, юқори малакали мутахассислари Сизнинг хизматингизда бўладилар.

**ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ!**

**«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»га МАРҲАМАТ!**

**Бизнинг ёрдамимизда ер ва кўчмас мулк эгаси бўлинг!**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: (8-371) 144-44-73, 144-71-78. Факс: 144-92-30.**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ САРМОЯДОРЛАРИ!**

**КЎЧМАС МУЛК ЭГАСИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 ЙИЛ 26 АВГУСТДАГИ 368-СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ПАСАЙИШ МЕХАНИЗМИГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАР МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИ:

| Объектнинг номи | Объектнинг манзили | Бошланғич нархи (сўм) |
| --- | --- | --- |
| Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Ўқув-методик маркази (биносиз) | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1-а уй | 671 800 |
| М.Улуғбек тумани КФБга қарашли «Қурилиш-таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан) | Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уй | 2 159 900 |
| Шайхонтоҳур тумани КФБга қарашли «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» ШК (биносиз) | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уй | 13 482 000 |
| ЎзРВазирлар Маҳкамаси Илмий-техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг шуъба корхонаси шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги | Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уй | 947 000 |
| «Азимут-Румб» давлат кичик корхонаси | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ёрматов кўчаси, 2-уй | 9 967 900 |
| «Transmaxsusqurilishta`minot» МЧЖнинг 26 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй | 16 471 000 |
| «Taysot» МЧЖнинг 26 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 40-уй | 26 097 700 |
| «MADANIY QURILISH» шуъба корхонаси | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1А уй | 15 432 830 |
| Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятига қарашли «Капитал қурилиш бўлими» (биносиз) | Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уй | 689 110 |
| «AQUA-SERVIS» унитар корхонаси | Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Қодирий кўчаси, 2-«А» уй | 57 366 470 |
| «Ўзбектрансқурилиш» ишчи таъминоти бўлими (биносиз) | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уй | 1 841 348 |
| «KOMMUNAL QURILISH» ДУК | Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уй | 1 308 900 |
| «JIYAK»МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25,0 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, К.Шарипов кўчаси 11-А уй | 2 112 200 |
| «SHARQ GULI-SAVDO» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 35,0 фоизлик давлат активи | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Эски Жўва бозори ҳудудида | 8 489 200 |
| «ELTRANSTA`MINOT» МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 35,2 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 10-уй | 30 980 118 |
| «QORA-QAMISH DEHQON BOZORI» МЧЖнинг 35,1 фоизлик давлат активи | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Ўрозбоев кўчаси, 21-уй | 418 051 200 |
| «USTA TOSHPO`LAT TARIXIY YODGORLIKLARINI TA`MIRLASH»МЧЖнинг 25 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Джалалабат кўчаси, 4-уй | 11 576 050 |
| «SHARQ MEBELI»МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 46,25 фоизлик давлат улуши | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хизматчи кўчаси, 10-уй | 33 266 110 |
| Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси Овчилик хўжалиги, қўриқхоналар ва миллий боғлар бошқармасига қарашли «Мархур» ХИИЧМ | Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 2-а уй | 3 958 600 |
| «YO`LTA`MIR» шуъба корхонаси мол-мулки | Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 341-а уй | 1 062 060 |

**Шу билан биргаликда биржа савдоларига қўйилган бошқа кўчар ва кўчмас мулкларни харид қилишингиз мумкин. Биржа савдоларида рўйхатдан ўтган малакали брокерлар объектни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

*Хизматлар лицензияланган*

